



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ТОМОНИДАН
2021 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ДАВОМИДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА
АХБОРОТ**

Тошкент-2021

МУНДАРИЖА

- I. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ Ошибка! Закладка не определена.**
- 1.1. Таълим жараёнини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан
таъминлаш..... Ошибка! Закладка не определена.**
- 1.2. Таълим жараёнини ташкил қилиш Ошибка! Закладка не
определенена.**
- 1.3. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари Ошибка! Закладка не
определенена.**
- II. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА
ОШИРИШ Ошибка! Закладка не определена.**
- 2.1. Тайёрланган таҳлилий маълумотномалар ва улар асосида ишлаб
чиқилган қонун хужжатлари лойиҳалари Ошибка! Закладка не
определенена.**
- 2.2. Қонун хужжатлари лойиҳалари бўйича тайёрланган хulosалар
Ошибка! Закладка не определена.**
- 2.3. Олий суд Пленуми қарори лойиҳаларини ишлаб чиқиша
иштирок этилганлик ҳолати Ошибка! Закладка не определена.**
- 2.4. Ишлаб чиқилган қўлланма ва рисолалар, хорижий нашрларда чоп
этилган мақолалар..... Ошибка! Закладка не определена.**
- 2.5. Давлат дастурлари ва ҳукумат топшириқлари ижросини
таъминлаш бўйича тадбирларда иштирок этилганлик ҳолати. Ошибка!
Закладка не определена.**
- 2.6. Ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарлар...Ошибка!
Закладка не определена.**
- 2.7. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш.... Ошибка! Закладка не
определенена.**
- 2.8. Халқаро ва идоралараро ҳамкорлик Ошибка! Закладка не
определенена.**

I. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1.1. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 30 июнь куни “Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамаси”га бағишлиб ўтказилган видеоселектор йиғилиши 49-сонли баёнининг 18-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарорининг 7-бандига асосан Олий мактабнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритилиб, “Инсон хуқуqlари ва халқаро хуқуқ” кафедраси ташкил қилинди. Бугунги кунда мазкур кафедрада бир нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4096-сон қарорининг 3-бандида судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида амалга оширилиши белгиланган, шунга кўра жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда “2021 йил сентябрь-декабрь ойларида Судьялар олий мактабида судьялар ва суд аппарати ходимларини малакасини ошириш” режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва мазкур режа асосида малака ошириш курслари ташкил этиб келинмоқда.

Шунингдек, илк бор судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг 2021/2022 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси ва фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланди.


Ҳозирда мазкур ўқув дастурлари асосида тасдиқланган дарс жадвалига мувофиқ ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Шунга кўра, мазкур ўқув машғулотларига жами **44 нафар** судьялар, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, олий таълим муассасалари мутахassisлари

мехнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этилган.

Судьялар олий мактабида штатдаги профессор-ўқитувчилар сони 12 нафари ташкил этади, шундан 6 нафари юридик фанлар доктори (3 нафари профессор, 2 нафари доцент), 5 нафари юридик фанлар номзоди (2 нафари доцент). Судьялар олий мактабининг таълим йўналиши бўйича илмий салоҳияти **83** фоизни ташкил этади.

Судьялар олий мактабида ўқув машғулотлари анъанавий шаклда ташкил этилиши билан биргаликда масофавий тарзда ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малака ошириш курслари **ZOOM** электрон платформаси, **sud-edu.uz** ўқув порталлари орқали масофавий тарзда ташкил этилмоқда. Масофавий курсларни ташкил этишининг моддий-техник таъминоти тўлиқ таъминланди (хар бир кафедра видеокамера ва лицензион шартномага эга бўлган бир йиллик **ZOOM** платформаси билан жиҳозланган).

Судьялар олий мактаби ходимлари тўғрисидаги маълумотлар ва меҳнат интизомига қатъий риоя этилишини электрон назорат қилиш мақсадида “Онлайн сервис групп” МЧЖ билан тузилган OSG-W-14/05/2020-сонли шартномага мувофиқ **Е-кадр дастури** ишга туширилди. Мазкур дастурнинг техник таъминоти учун 2 дона ходимларнинг юзини масофадан танийдиган назорат аппарати (face ID) ўрнатилди.



2021/2022 ўқув йилида магистратура тингловчиларининг ҳар бирига (жами 76 дона) **ноутбук** фойдаланиш учун биритирилди.

1.2. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Магистратура:

Магистратура тингловчилари учун тасдиқланган ўкув режасига мувофиқ дарс жараёнлари давом эттирилди. Жорий йилнинг 4 январидан тингловчилар учун қишки таътилдан кейинги дарс машғулотлари бошланди. 4-9 январь оралиғида тингловчилар (жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик) ўкув режасидаги фанлар бўйича якуний назорат имтиҳонларини топширдилар.

Якуний назорат натижаларидан 56 фоиздан кам балл олган жами 2 нафар тингловчи (Хатамова Дилдора Мадаминовна, Матякубов Рузимбой Кадамбаевич) Судьялар олий мактаби директорининг 2021 йил 3 февралдаги 5-ум-сон буйруғига асосан тингловчилар сафидан чиқарилди.

Жорий йилнинг 11 январидан тингловчилар учун 2-семестр ўкув машғулотлари бошланди.

2021 йил 19 март куни магистратура тингловчиларини 64/22-сонли жазони ижро этиш муассасаси фаолияти билан танишиши ташкил қилинди. Барча ихтисослик бўйича магистратура тингловчилари-нинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига сайёр дарс ташрифи ташкил этилди.



2021 йил 27 январда Фуқаролик кафедраси тингловчилари ТДЮУ билан ҳамкорлик доирасида Тошкент Давлат юридик университетининг “Фуқаролик процессуал ҳукуқи” кафедраси, юридик клиника ва университет кутубхонасида бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Магистратура тингловчилари учун стажировка ўташ дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жорий йилнинг 29 март кунидан бошлаб тасдиқланган ўкув режага мувофиқ магистратура тингловчилари Тошкент

шаҳар судига стажировка ўташ учун юборилди (Судьялар олий мактаби директорининг 2021 йил 27 мартағи 22-ум-сон бўйруғи). Стажировка икки босқичда Тошкент шаҳар суди ва қуий судларда ташкил этилди.



Кафедрада магистратура, малака ошириш курслари тингловчилари учун оралиқ ва якуний имтиҳон саволлари (*ҳар бир фандан 100 тадан*), мустақил иш топшириклари (*70 ta*), казус ва кейслар (*ҳар бир фандан 50 ta*), тест (*90 ta*) материаллари ишлаб чиқилди.



маҳорат дарслари ташкил этилди.

Магистратура тингловчилари учун якуний давлат аттестацияси синовлари учун барча фанлардан синов дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби магистратурасига кирувчилар учун “мутахассислик фанлари” бўйича тест синовлари дастури ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Магистратура тингловчилари учун тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ҳар бир йўналишлар кесимида ташкил этилган Давлат аттестацияси комиссияси томонидан жорий йилнинг 19-31 июль кунлари магистратура тингловчилари учун **магистрлик диссертацияси химояси ва Якуний давлат аттестация**



синовлари ўтказилди. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра 73 нафар магистратура тингловчиси (*шундан жиноят ишилари бўйича 25 нафар, фуқаролик ишилари бўйича 18 нафар, иқтисодий 18 нафар, маъмурий 12 нафар*) ўқув жараёнларини муваффақиятли якунладилар. 30 сентябрь ҳолатига кўра, шулардан 35 нафари (48%) судьялик лавозимига (*шундан 7 нафари иқтисодий, 9 нафари жиноят, 13 нафари фуқаролик ҳамда 6 нафари маъмурий судлар судьялиги*) тайинландилар.



Жорий йилнинг 6 август куни судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг 2020/2021 ўқув йили битирувчилари учун **тантанали диплом топшириш** тадбири ташкил этилди. Тадбирда Судьялар олий кенгаши раиси, аъзолари ва Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари иштирок этилди.



Судьялар олий мактаби директорининг 2021 йил 4 майдаги “2021/2022 ўқув йили учун қабул комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги




31-ум-сон буйруғига асосан Судьялар олий мактабининг Қабул комиссияси ташкил этилди. Жорий йилнинг 24-25 август кунлари судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура ўқув курсига қабул қилиш

учун синов имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра, 289 нафар даъвогардан **76 нафари** Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қабул қилинди (*шуңдан 25 нафари жиноят ҳуқуқи, 15 нафари иқтисодий ҳуқуқ, 26 нафари фуқаролик ва 10 нафари маъмурий ҳуқуқ*).


Малака ошириши курслари:

Судьялар олий мактаби томонидан 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигига судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 25.01.2021 йилда Судьялар олий мактаби билан келишилган ҳолда тасдиқланган **“2021 йил январь-июнь ойларида Судьялар олий мактабида судьялар ва суд аппарати ходимларини малакасини ошириш режаси”**га ҳамда 2021 йилнинг иккинчи ярим йиллигига судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 30.08.2021 йилда Судьялар олий мактаби билан келишилган ҳолда тасдиқланган **“2021 йил сентябрь-декабрь ойларида Судьялар олий мактабида судьялар ва суд аппарати ходимларини малакасини ошириш режаси”**га мувофиқ малака ошириш курслари ташкил этиб келинмоқда.

9 ойлик ҳолатга кўра жами 123 нафар судьялар (шуңдан жиноят ишлари бўйича 42 нафар, фуқаролик ишлари бўйича 40 нафар, иқтисодий 14 нафар, маъмурий 27 нафар) малака ошириш курсида ўз малакаларини оширдилар.	98 нафар (шуңдан жиноят ишлари бўйича 28 нафар, фуқаролик ишлари бўйича 28 нафар, иқтисодий 28 нафар, маъмурий 14 нафар) суд аппарати ходимлари малака ошириш курсида ўз малакаларини оширдилар.
---	---



Тасдиқланган режа асосида ўтказилаётган малака ошириш курслари якуни бўйича судья ва суд аппарати ходимларидан Судьялар олий мактабининг sud-edu.uz электрон платформаси орқали якуний имтиҳон олиш йўлга қўйилган бўлиб, мазкур имтиҳонлардан ижобий балл (*56 баллдан юқори*) тўплаган тингловчиларга малака оширганликлари тўғрисида сертификатлар топшириш амалиёти йўлга қўйилган.



Қисқа муддатли курслар:

2021 йилнинг 25 январь – 5 февраль кунлари “Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулокот” мавзусида оммавий ахборот воситалари ва блогерлар учун маҳсус ўқув курси ташкил этилди.

22-26 февраль кунлари республика судьялари учун “Судларда оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки” мавзусида ўқув курси ўтказилди. Мазкур курс натижалари бўйича “Суд ва оммавий ахборот

воситалари ўртасидаги конструктив мулօқот” номли амалий қўлланма тайёрланди ва иштирокчиларга тарқатилди.

2021 йил 10 февраль куни Жиноят хуқуқи кафедраси томонидан жиноят ишлари бўйича судьялар учун (республика барча ҳудудларида) “Суд, тергов ва суроштирув тергов органлари малакаси, амалий қўникмалари ва маънавиятини юксалтириш зарурати” мавзусида масофавий қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

2021 йилнинг 20 февраль куни Судьялар олий мактабида Тошкент шаҳар барча ихтисослик судьяларига Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харита ижросини таъминлаш мақсадида Жиноят хуқуқи ва Касбий қўникмалар кафедраси томонидан “Судлар ва тергов органлари ходимларининг малакаси, амалий қўникмалари ва маънавиятини юксалтириш, ягона суд амалиётини шакллантириб, суд қарорларининг барқарорлигига эришишнинг устувор йўналишлари” ҳамда “Суд психологияси” мавзуларида қисқа муддатли ўқув курси ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харитасининг 47-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 26 февраль куни видеоконференцалоқа режимида “Махсус билим талаб қилинадиган айрим турдаги жиноят ишларини (ЖК 167, 168, 184, 205, 210-моддалари) кўришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар” мавзусида қисқа муддатли малака ошириш курси ўтказилди. Мазкур қисқа муддатли малака ошириш курсида Навоий ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлар судьялари иштирок этилди.

Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харитасининг 47-банди



ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 30 апрель куни Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьялари учун “Суд амалиётида фирибгарлик ва ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш жиноятларини квалификация қилиш муаммолари” мавзусида қисқа муддатли малака ошириш курси ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикасида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харитаси ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 11-14 март кунлари Судьялар олий мактаби раҳбари ва мутахассислари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сайёр қисқа муддатли ўкув курслари ва ўкув машғулотлари ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сонли Фармони билан тасдиқланган “2020 – 2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси”нинг 35-бандига асосан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши бўйича жорий йилнинг 25-27 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун “Рақобат сиёсати ва ҳуқуқ асослари” бўйича малака ошириш курси ташкил қилинди. Мазкур курсда 8 нафар Олий суд судьялари иштирок этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан, Судьялар олий кенгаши томонидан

“Судьяларнинг дахлсизлигини янада кучайтириш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар” режасини 3-бандини таъминлаш мақсадида, 2020 йил 23 декабрда Судьялар олий мактаби деректори томонидан



“Судьялар ва суд ходимларининг касбий малакаси, маънавияти ва маъсулиятини ошириш, шунингдек тизимида коррупциянинг барча кўринишлариiga муросасиз муносабатни шакллантириш” мавзусида қисқа муддатли ўкув курси дастури тасдиқланди.

Ушбу Дастур асосида қисқа муддатли курслар қуйидаги жойларда ўтказилди:

6 февраль куни жиноят ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар судлари судьялари ва суд аппарати ходимларига (300 нафар судья, 350 нафар суд ходими);

13 февраль куни вилоят, туманлараро, туман иқтисодий судлар судьялари ва суд аппарати ходимларига (250 нафар судья, 230 нафар суд ходими);

20 февраль куни вилоят, туманлараро маъмурий судлар судьялари ва суд аппарати ходимларига (125 нафар судья, 150 нафар суд ходими);

6 март куни фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро, туман судлари судьялари ва суд аппарати ходимларига (230 нафар судья, 250 нафар суд ходими);

3 апрель куни
Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар
судларининг жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати
судьялари, маъмурий суд
судьялари ва суд ходимларига
(100 нафар судья, 120 нафар суд
ходими);



8 май куни вилоят, туманлараро, туман иқтисодий судлар судьялари ва суд аппарати ходимларига (150 нафар судья, 200 нафар суд ходими).

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) ҳамкорлигига “Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлок кодексини амалий қўлланилиши ва фуқароларнинг судларга ишончини янада ошириш” мавзусида ҳудудларда ўкув семинарлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан:

12 февраль куни Фарғона вилоят судининг судьялари иштирокида;

12 март куни Навоий вилоят судининг судьялари ва суд ходимлари иштирокида;

9 апрель куни Хоразм вилоят судининг судьялари иштирокида;


11 июнь куни Наманган вилоят судининг судьялари иштирокида;

12 июнь куни Андижон вилоят судининг судьялари иштирокида;

9 июль куни Сурхондарё вилояти судининг судьялари иштирокида;

27 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси судьялари иштирокида ўқув курслари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги йигилиш баёни билан тасдиқланган “2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Чора-тадбирлар дастури”нинг 36-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **“Вояга етмаганлар билан боғлиқ суд ишларини кўриш”** қисқа муддатли маҳсус ўқув курси дастури тасдиқланди. Ишлаб чиқилган ўқув дастурига асосан **“туман-вилоят-республика”** бўғинларида фаолият юритувчи фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судьялар жорий йилнинг 22 июнь кунидан бошлаб 23 июль кунига қадар ўқитилди. Дарслар БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда (онлайн ва оффлайн шаклларда) ташкил этилиб, дарс жараёнларига Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари, судьялар, адвокатлар ҳамда халқаро эксперtlар жалб этилди. Хусусан, жиноят ишлари бўйича судьялар учун ташкил этилган дарсларда **ЮНИСЕФнинг “Болалар ҳимояси”** дастури раҳбари ҳам маъруза билан иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгашининг 2021 йил 10 апрелдаги 17/10/9/30/134-сон қарорига асосан тасдиқланган “**Профилактика инспекторларини (шаҳар ва қишлоқ) моделлари асосида базавий касбий ўқитиши**” ўқув курслари бўйича Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари республика профилактика инспекторларини ўқитиши бўйича худудларга чиқкан ҳолда ўқув машғулотлари ўтказилди.




Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2021 йил 22 июндаги 02-РА/1-1486-сонли Тошкент шаҳрида уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича топшириқ хатига асосан тасдиқланган “**Тошкент шаҳрида уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича маҳаллалар кесимида ўтказиладиган сайёр курсларнинг ўқув дастури**”га мувофиқ жорий йилнинг 26 июль куни Бектемир туманининг Маданият марказида тумандаги Миришкор, Мажнунтол, Роҳат, Зилола, Иқбол, Чашма, Абай, Бектемир, X.Байқаро, Олтинтопган ва Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғинларининг жами 80 дан ортиқ уюшмаган ёшлари иштирокида, 29 июль ва 2 август кунлари Яккасарой туманининг Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти биносида Яккасарой туманининг Дилбулоқ, X.Сулаймон, Богсарой, Шохжаҳон, А.Қаххор, Бобур, Дамариқ, Нурафшон, Күшбеги, Бошлиқ ва Армуғон маҳалла фуқаролар йиғинларининг жами 60 дан ортиқ уюшмаган ёшлари иштирокида ўқув машғулоти ўтказилди.





Хисобот даврида ташкил қилинган қисқа муддатли курслар

Жами	Жиннояттарни олдини олиш ва уни профилактикасига оид	Коррупцияга карши курашишта оид	Одоб-ахлек кодексининг кўлланилишига оид	ОАВ билан ҳамкорликка оид	Вояга ётмаганлар билан боғиқ суд ишларига оид
26	5	6	7	2	6



1.3. МАЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

2021/2022 ўқув йилида ҳам тингловчиларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш мақсадида уларнинг машғулотлардан бўш пайтларида режали асосда **музейлар, театр ва бошқа маънавий-маърифий масканларга ташрифи ташкил қилинмоқда.**

2021 йил 17 сентябрь куни Судьялар олий мактаби магистратура тингловчилари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобининг мазмун-моҳиятига бағишиланган маънавий тадбирда профессор



Судьялар олий мактаби магистратура тингловчилари иштирокида 2021 йил 24 сентябрь куни “Суд тизимида ҳалоллик ва поклик” мавзусида маънавият соатида Диний қўмита вакили, Имом-хатиб Мухаммаёкуб Абдулҳакимов иштирок этди.

Қиёмиддин Назаров иштирок этди.

2021 йил 21 сентябрь куни Судьялар олий мактаби магистратура тингловчиларининг “Янги Ўзбекистон” боғига ташрифи ташкил этилди.



Шунингдек, магистратура тингловчилари ўртасида хар хафтанинг пайшанба куни “Спорт – соғломлаштириш” куни доирасида муунтазам равища спорт тадбирлари (футбол, стол тенниси) ўтказиб келинмоқда.

II. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАХЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Суд-хуқуқ тизимини, шу жумладан қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек суд-хуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан қўйидаги ишлар амалга оширилди.

2.1. ТАЙЁРЛАНГАН ТАХЛИЛИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР ВА УЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИ

2021 йил давомида **1 та** қонун лойиҳаси, **1 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси, **1 та** халқаро ҳужжат лойиҳаси, **4 та** таҳлилий маълумотномалар тайёрланиб тегишли ташкилотларга қўриб чиқиш ва қабул қилиш учун юборилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони билан тасдиқланган “Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси”нинг 9-банди ижросини таъминлаш бўйича **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонун лойиҳаси (*12.01.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган*).

2. Тошкент вилояти ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига оид таҳлилий маълумот (*08.05.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган*).

3. **Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган хуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олишга қаратилган ташкилий-хуқуқий механизmlарни такомиллаштириш юзасидан таклифлар** (*03.06.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган*).

4. Тошкент шаҳар Бектемир ва Яккасарой туманларида жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишларга оид таҳлилий маълумот (*22.05.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган*).

5. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси (17.03.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида билдирган таклифлари ижросини таъминлашга қаратилган “Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принциплари” лойиҳаси (12.05.2021 йилда Олий Мажлис ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказига юборилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мазмуни: 2017-2021 йилларда эришилган натижалар” юзасидан таҳлилий маълумотнома (06.07.2021 йилда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига юборилган).

2.2. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ХУЛОСАЛАР

1. “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (16.02.2021 йилда Олий судга юборилган).

2. Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (18.02.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).

3. “Маънавий зарарни қоплашга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси (05.04.2021 йилда Адлия вазирлигига юборилган).

4. “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом лойиҳаси (янги таҳрирда) (08.04.2021 йилда Олий судга юборилган).

5. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаси (05.05.2021 йилда Олий судга юборилган).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишнинг қўшимча механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши лойиҳаси (14.04.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).

7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳаси (18.03.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (18.02.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони ижроси юзасидан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши тўғрисида”ги Низом лойиҳаси (19.03.2021 йилда Коррупцияга қарши курашиши агентлигига юборилган)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони ижроси юзасидан “Норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (19.03.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижроси юзасидан “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси (22.02.2021 йилда Адлия вазирлигига юборилган).

2.3. ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (24.02.2021 йилда Олий судга юборилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (04.03.2021 йилда Олий судга юборилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳаси (15.03.2021 йилда Олий судга юборилган).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (18.03.2021 йилда Олий судга юборилган).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (27.03.2021 йилда Олий судга юборилган).

2.4. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚЎЛЛАНМА ВА РИСОЛАЛАР, ХОРИЖИЙ НАШРЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР

Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан **1 та дарслик, 3 та илмий–амалий қўлланма, 1 конференция материаллари тўплами** тайёрланиб, чоп этилди.

1. “Иқтисодий процессуал ҳуқуқи” дарслиги (*нашр этиши жараёнида*);
2. “Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулокот” номли амалий қўлланма;
3. “Суд экспертизасини тайинлаш” номли услугий қўлланма;
4. “Международное сотрудничество по уголовным делам: экстрадиции - руководство для судей и кандидатов на должность судей” номли амалий қўлланма.

5. “Президент мурожаатномаси - 2021: Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликни ислоҳ этишининг навбатдаги вазифалари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами.

2.5. ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА ҲУКУМАТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия таркибида иштирок этилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти қошидаги **Мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат Кенгашининг Давлат ва жамият қурилиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича секцияси таркибида иштирок этилди.**

3. “Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бўйича қиёсий таҳлилларни амалга ошириш режаси”ни амалга оширувчи Мувофиқлаштирувчи комиссия таркибида иштирок этилди.

4. БМТнинг маъсус маъruzачиси тавсияларини амалиётга жорий қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни амалга оширувчи ишчи гурух таркибида иштирок этилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилиши муносабати билан **Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган сайлов қонунчилиги бўйича республика тренерлари гурухида иштирок этилди.**

2.6. ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ВА СЕМИНАРЛАР

1. 18.02.2021 йилда “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси томонидан “Фуқаролик кодекси лойиҳаси мухокамада: ютуқлар ва кутилаётган натижалар” мавзусида илмий-амалий конференция;

2. 25.02.2021 йилда “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси томонидан “Фуқаролик кодекси лойиҳаси мухокамада: ютуқлар ва кутилаётган натижалар” мавзусида илмий-амалий конференция;

3. 26.02.2021 йилда “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси томонидан халқаро ташкилотлар иштирокида “Президент мурожаатномаси - 2021: Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликни ислоҳ этишининг навбатдаги вазифалари” мавзусида илмий-амалий халқаро конференция;

4. 11.03.2021 йилда Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан “**Фуқаролик кодекси лойиҳаси: Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар**” мавзусида илмий-амалий конференция;

5. 23.03.2021 йилда “Касбий кўникмалар” кафедраси томонидан “**Суд тизими мустақиллигига оид халқаро стандартлар**” мавзусида халқаро конференция;

6. 30.03.2021 йилда “Касбий кўникмалар” кафедраси томонидан “**Суд ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар – давр талаби**” мавзусида илмий-амалий давра сұхбати;

7. 23.04.2021 йилда “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси томонидан “**Жиноят процессида дастлабки эшитув: Россия ва Ўзбекистон қонунчилигини қўллаш амалиётидаги муаммолар**” мавзусидаги илмий-амалий халқаро семинар;

8. 27.04.2021 йилда “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси томонидан “**Фуқаролик кодекси лойиҳаси мухокамада: “Инсофли эгалловчи институтини такомиллаштириш муаммолари**” мавзусида давра сұхбати;

9. 30.04.2021 йилда “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси нотариал палатаси билан ҳамкорликда “**Фуқаролик кодекси лойиҳаси мухокамада: ворислик институтини такомиллаштириш масалалари**” мавзусида давра сұхбати;

10. 08.05.2021 йилда “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси томонидан Судьялар олий кенгаши билан ҳамкорликда “**Устоз-шогирд” анъаналари: амалий мулокотлар, фойдали тавсиялар**” мавзусидаги амалий учрашув;

11. 27-28.05.2021 йилда “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда «**Современная юридическая наука и образование: актуальные проблемы и пути их решения**» мавзусидаги конференция;

12. 17.06.2021 йилда “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси томонидан “Минтақавий мулокот” ННТ билан ҳамкорликда “**Ўзбекистон жиноят ишлари бўйича судларида айбига иқрорлик келишуви**” мавзусида судьялар учун халқаро тренинг;

13. 18.06.2021 йилда “Маъмурий ҳуқуқ” кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Германия ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда “**Актуальные вопросы административного судопроизводства Республики Узбекистан**”

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30-йиллига бағишиланган халқаро конференция;

14. 22.06.2021 йилда “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила қонунчилигига келиб чиқаётган муаммоларни амалиётда бирхиллаштириш юзасидан **“Оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: назария ва амалиёт”** мавзусидаги илмий-назарий конференция;

15. 29.06.2021 йилда
“Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси томонидан **“Международный коммерческий арбитраж”** мавзусида халқаро илмий-амалий семинар;

16. 28.07.2021 йилда
“Жиноят ҳуқуқи” кафедраси томонидан БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия билан ҳамкорликда **“30 июль-Одам савдосига қарши курашиш бутунжаҳон куни”** муносабати билан **“Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича одил судлов - халқаро ва миллий тажриба”** мавзусида давра сухбати ўтказилди.

Бундан ташқари, хисобот даврида Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари республика ва халқаро миқёсда ташкил этилган **70 дан ортиқ** конференция, давра сухбати ва семинар тренингларда иштирок этдилар.



2.7. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

2019 йил 6 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4096-сонли қарорига биноан Судьялар олий мактабида суд-хуқуқ тизимини ва қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш давом эттирилди.

2021 йилнинг 9 ойи якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори талабларига мувофиқ суд-хуқуқ тизимини ва қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш қобилиятига эга **9 нафар** талабгорлар танлаб олиниб, Фалсафа доктори (PhD) ва Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари рўйхати тасдиқланди. Мустақил изланувчиларнинг тасдиқланган диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг маълумотлар базасига (www.phd.mininnovation.uz) киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг базасида (www.mavzu.oak.uz) рўйхатдан ўтказилиб, “ОАК Бюллетени” журналида чоп этиш учун юборилди.

Судьялар олий мактабининг Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига Мустақил изланувчиликка қабул қилинган мустақил изланувчилар фаолияти доимий равишда мувофиқлаштириб борилмоқда. Жумладан, Судьялар олий мактаби директорининг **2021 йил 27 май кунидаги 37-ум-сонли буйруғига** асосан мустақил изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторинг ўтказиш йўли билан ўрганилди ва ўрганиш натижасига кўра **1 нафар** мустақил изланувчи “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида”ги Низом талабларини бажармагани учун мустақил изланувчилар сафидан чиқарилди, **25 нафар** мустақил изланувчи мониторингдан шартли равишда ўтказилиб, камчиликларни бартараф қилиш учун 3 ойлик муддат берилди.

Етакчи ташкилот сифатида **10 нафар тадқиқотчининг диссертация ишлари мухокама қилиниб**, тегишли тақризлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби хузуридаги илмий даражалар берувчи

Ph/D.37/27.02.2020.Yu.107.01 рақамли илмий кенгаш хузуридаги бир марталик илмий кенгашда 2021 йил 28 сентябрда Топилдиев Вохиджон Рахимжоновичнинг 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича “**Ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш**” мавзусидаги юридик фанлар доктори (DSc) ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси мустақил изланувчиси Одинаев Адҳам Саъдуллоевичнинг “**Мажбурият ҳуқуқи соҳасида неустойка қўллашни тартибга солиш**” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши ҳимояси ўтказилди.

Жорий йилнинг февраль ва май ойлари сессиясида **6 нафар тадқиқотчининг** 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ, 12.00.04 Фуқаролик процесдуал ҳуқуқи. Хўжалик процесдуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва Медиация ихтисосликлари бўйича малакавий имтиҳонлари ўтказилди.

Бугунги кунда Судьялар олий мактабида **78 нафар (12 нафари таянч докторант, 3 нафари докторант ҳамда 63 нафари мустақил изланувчи)** шахс Фалсафа доктори (PhD) ва Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш тадқиқот ишларини олиб боришимоқда

2.8. ХАЛҚАРО ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Хорижий давлатларнинг таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик соҳасида.

Судьялар олий мактаби жорий йилнинг ўтган тўқиз ойи мобайнида Қозогистон, Туркия, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларининг Одил судлов академиялари (судьяларни тайёрлаш бўйича муассасалари) билан ҳамкорлик алоқаларини амалга оширди. Жумладан, Қозогистон Республикаси Олий суди хузуридаги Одил судлов академияси билан “**Ҳамкорлик меморандуми**” имзоланди, Туркия адлия академияси ва Корея Республикаси Суд тадқиқотлари ва таълим институти билан ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш бўйича келишувга эришилди.

USAID агентлигининг “Ўзбекистонда ҳуқуқий ислоҳотлар дастури”, БМТ Тарақкиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида

дастури”, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий офиси, Германия ҳалқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “Халқаро юристлар комиссияси” ташкилоти ва “Минтақавий мулоқот” ҳалқаро ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида турли лойиҳалар амалга оширилган бўлса, Европа Кенгашининг “HELP” дастури ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

II. Халқаро конференция, семинар, тренинг ва бошқа тадбирлар.

Судьялар олий мактабининг бевосита ташаббуси билан ўтган давр мобайнида ҳалқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда **10 та ҳалқаро тадбир ва 9 та ҳудудий тадбирлар** ўtkazildi. Хусусан, қўйидаги ҳалқаро тадбирлар ташкил этилди:



1. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорликда тингловчилар учун **“Халқаро савдо ташкилотида низоларни ҳал этиш”** мазусида тренинг (2021 йил 1 февраль куни);

2. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорликда тингловчилар учун **“Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш тартиби”** мавзусидаги тренинг (2021 йил 2 февраль);

3. Халқаро юристлар комиссияси ташкилоти экспертларининг иштирокида **“Президентнинг мурожаати – 2021. Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини ислоҳ қилишининг навбатдаги вазифлари”** номли ҳалқаро конференция. Конференция якунига кўра мақола ва тезислар тўплами чоп этилди. (2021 йил 26 февраль);

4. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорлиқда тингловчилар учун “**Суд тизими мустақиллигининг халқаро стандартлари**” мавзусида семинар (2021 йил 23 март);



судьялар учун халқаро конференция (2021 йил 25 март);

6. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорлиқда тингловчилар учун “**Кейсларни шакллантириш**” мавзусида тренинг (2021 йил 8 апрель);

7. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорлиқда тингловчилар ва судьялар учун “**Стрессни бошқариш**” мавзусидаги тренинг (2021 йил 8 май);

8. “Минтақавий мулокот” халқаро ташкилоти билан ҳамкорлиқда “**Жиноят судларини айбни тан олиш битими**” мавзусида халқаро семинар (2021 йил 17 июнь);



9. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорлиқда “**Маъмурий суд ишларини юритишнинг долзарб масалалари**” мавзусида халқаро конференция (2021 йил 18 июнь);

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлиқда тингловчилар ва судьялар учун “**Ўзбекистон судлари фаолиятида халқаро шартномалар нормаларини қўллашни кучайтириш**” мавзусида тренинг (2021 йил 28-29 июнь ва 5-6 июль кунлари);

5. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавийофиси ҳамда Халқаро юристлар комиссияси ташкилоти билан ҳамкорлиқда “**Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида халқаро ҳуқуқни қўллаш**” мавзусида тингловчилар ва

Шунингдек, USAID агентлигининг “Ўзбекистонда хуқуқий ислоҳотлар дастури” билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон

Республикаси ва вилоятларда жами 9 та ҳудудда судьялар ва суд аппарати ходимлари учун **“Суд этикаси. Миллий ва хорижий тажриба”** мавзусида тренинглар ташкил этилди. Ушбу тренингларда жами **200** дан ортиқ судья ва суд аппарати ходимлари иштирок этилди.



III. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда таълим муассасаларининг фаолиятини ўрганиш соҳасида

Ўтган давр мобайнида Судьялар олий мактаби вакиллари томонидан суд-хуқуқ соҳасининг долзарб масалаларга оид хоржий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Хусусан, хуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш, судлар фаолиятига оид халқаро ҳужжатлар ва бошқа соҳаларга оид тажрибалар ўрганилди.

Судьялар олий мактаби ўқитувчиси Б.Муминов “Фулбрайт” дастури гранти совриндори сифати АҚШда малакасини оширди.

“Жиноят хуқуқи” кафедра мудири С.Рахманова Европа Кенгашининг “Инсон хуқуқлари соҳасида таълим” йўналишида Франциянинг Страсбург шаҳрида малака ошириш курсларида иштирок этди.